

# ЁШЛАРНИНГ ОИЛАВИЙ ҲАЁТ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАРИ ВА ОИЛАВИЙ ҲАЁТДАН ҚОНИҚИШ УЙЎНЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

*Ж.Мажидов Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси*

[majidov-jdpi@mail.ru](mailto:majidov-jdpi@mail.ru)

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ёшларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тасавурлари ва оилавий ҳаётдан қониқиш масалалари ҳусусида фикр-мулоҳазалар юритилган бўлиб, бахтли оила борасидаги олимлар қарашлари, ёшларда турмушга етуклик мезонлари ва оилавий ҳаётдан қониқишнинг уйғунлиги масалалари ҳусусида айрим хулосалар баён этилган.

**Калит сўзлар:** оила, бахтли оила, фаровон ҳаёт, турмушга етуклик, ўзаро мулоқот, оилавий ҳаётдан қониқиш.

## ISSUES OF HARMONY OF YOUNG PEOPLE'S REPRESENTATION ABOUT FAMILY LIFE AND SATISFACTION WITH FAMILY LIFE

### ANNATATION

This article analyzes the problems of young people's perception of family life and issues of satisfaction with family life. The article describes the conclusions about the views of scholars about a happy family, criteria for maturity to family life and harmony in family life.

**Key words:** family, happy family, maturity to family, communication, satisfaction with family life

## ВОПРОСЫ ГАРМОНИИ ПРЕДСТАВЛЕНИЯ МОЛОДЕЖИ О СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНИ И УДОВЛЕТВОРЕННОСТИ СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНЬЮ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье проанализированы проблемы представления молодежи о семейной жизни и вопросы удовлетворенности семейной жизнью. В статье описаны выводы о возрениях ученых о счастливой семье, критерии зрелости к семейной жизни и гармония семейной жизнью.

**Ключевые слова:** семья, счастливая семья, зрелость к семье, общение, удовлетворенность семейной жизнью

Жадал суръатлар билан ўзгариб бораётган бугунги мураккаб глобаллашув даврида ахборот коммуникацион технологияларининг ривожланиб кетиши, ахборот оқими тезлиги бевосита оилавий ҳаёта чуқур таъсир кўрсатиб, бу ўз навбатида замонавий турмуш ҳамда меҳнат шароитларидаги муносабатларда инсоннинг мослашувчан бўлишини талаб қилиб, замон шиддатига хос тасаввурларнинг, қарашларнинг таркиб топишига омил бўлмоқда.

XX асрнинг 50-60 йилларидан бошланган «фаровон турмуш» тўғрисидаги тушунчалар бугунги кунга келиб оилавий ҳаёт асосини яратиш борасидаги одамлар тасаввури, дунёқарашига ўзининг чуқур таъсирини ўтказмоқда. Айниқса XX асрнинг 80-90 йилларига келиб оилавий ҳаёт муаммоларини ўрганиш борасидаги кенг кўламли тадқиқотлар ўтказилишини жамият ҳаётида оила барқарорлиги билан боғлиқ кун тартибидаги асосий муаммолар: оила бузилишларининг кескин ошиши, болаларни туғилиш сонининг камайиши, никоҳсиз оилаларнинг кўпайиши, психик ва асаб касалликларининг ортиб бориши ва шу каби муаммоларнинг кўпайиб бораётганлиги мазкур соҳада ҳал қилиниши керак бўлган муаммоларни тизимли ўрганишга даъват этиб келмоқда. Жамият ҳаётида содир бўлаётган бундай ўзгаришлар инсонлар онгида акс этиб ўзига хос тушунча ва тасаввурлар шаклланишига олиб келмоқда. Масалан бир пайтлар турмушдан ажралганлик ўзига хос “иснод” сифатида тушинилса, бугунги кунда эса уз ҳаёт йўлини истаганидек қуриш учун қониқиш ҳиссини вужудга келтирадиган омилга айланди. Бундан ташқари аёллар иқтисодий мустақиллигининг таъминланиши билан никоҳ қачонлардир бўлганидек иқтисодий шериклик заруриятининг натижаси ҳисобланмай қолди.

Тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, «бахтли оила» ва «фаровон турмуш»ни таъминловчи муҳим жиҳатлар тўғрисидаги ўспиринлар

тасавури билан оилалар тасавури ўртасида кескин фарқ мавжуд. Бу ҳолат айниқса оиланинг маънавий ва моддий ҳаёти тўғрисидаги тасавурларда ёрқин намоён бўлади. Никоҳдан кейинги ҳаёт эр-хотиннинг ўз турмуш тарзи ва тажрибалари ёрдамида ўзларининг бахтли оилаларини қуришга ундайди ва бу ижтимоий воқеликни улар реал тушуна бошлайдилар.

Рус олими С.В.Ковалевнинг таъкидлашича, ёшларда оилавий ҳаёт ва турмуш тарзига хос тўғри тасавурлар етарли эмаслиги сабабли турмуш қурганларида оила- никоҳ муносабатларидан қониқмаслик ҳолатлари кўп учрайди. Шунинг учун ёшлар ўсиб улғаядиган ва ўқиш жойларида уларни оилавий ҳаётга, турмушга тайёрлаш, уларда бахтли оила ва фаровон турмушни таъминлайдиган зарур сифат ва фазилатларни шакллантириш, уларни бўлғуси оила тўғрисидаги романтик, ширин ҳаёллардан, ҳар хил чалғишлардан қутқариш билан боғлиқ тарбиявий шарт-шароитларни яратиш тўғрисидаги қимматли маслаҳатларни илгари суради.

Хорижий мамлакатларда шу соҳада ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, юқори синф ўқувчиларида бахтли оила қуришлари учун уларда иккита муҳим жиҳат шаклланган (улар эгаллаган) бўлиши шарт. Биринчиси, ғоявий етуклиги (иқтисодий таъминланганликка нисбатан ҳам), иккинчиси, ўзаро муносабат ва мулоқот маданияти таркиб топган бўлиши зарур. Шу билан бир қаторда оила қураётган ёшларда ўзини ўзи англаб, ўзидаги қусурларни қисқартиришга интилиш, воқеа ва ҳодисаларга ўзгалар назари билан қараш, муомалада юқори маданиятлилик, бошқаларнинг хоҳиш ва қарашлари билан ҳисоблашиш, севгини улуғлаш, бир-бирига барқарор ишонч, бир-бирини тушунишнинг юқорилиги, бир-бирига ҳурмат ва садоқат каби фазилатлар ҳам мужассамлашуви кераклиги тадқиқотларда аниқланди.

Бахтли оила масалалари билан шуғулланган етакчи социолог ва психолог олимлар унинг 11 та энг муҳим шарт-шароитлари мавжудлигини аниқлаганлар:

1. Эр-хотиннинг ўзаро бир-бирини тушуниши. 2. Алоҳида уй-жойнинг мавжудлиги. 3. Моддий жиҳатдан яхши таъминланганлик. 4. Фарзандлар. 5. Никоҳ мустақкамлигига ишонч. 6. Оилада бўш вақтни қизиқарли ўтказиш. 7. Ўзига ёққан иш билан таъминланганлик. 8. Маълумотнинг мослиги. 9. Иш жойининг қулайлиги. 10. Яхши дўстларнинг мавжудлиги. 11. Эр-хотиннинг эркинлиги.

Уларнинг тадқиқот таҳлилларига кўра, қайси бир оилада ана шундай имкониятлар мавжуд булса, у оилани бахтли оила дейиш мумкин, унинг аъзолари эса бахтиёр ва фаровон турмуш кечираётганликларидан дарак беради. Яна шу нарса маълум бўлдики, оилада бахтли ва фаровон турмуш вужудга келиши учун юқорида келтирилган шарт-шароитлар ўз аҳамиятига кўра эр билан хотин учун бир хил эмас. Масалан, «эр-хотиннинг бир-бирини тушуниши», «алоҳида уй-жойнинг мавжудлиги», «моддий яхши таъминланганлик», «фарзандлар» ва «қизиқарли иш» аҳамиятига кўра, эрда бошқача, хотинда эса бошқача баҳоланган. Эр биринчи ва иккинчи ўринга «алоҳида уй-жой билан таъминланганлик» ва «моддий яхши таъминланганлик»ни, кейин бошқаларини қўйса, хотин эса биринчи ва иккинчи ўринга «эр-хотиннинг ўзаро бир-бирини тушуниш», «фарзандлар» ва сўнгра эса «алоҳида уй-жой», «моддий яхши таъминланганлик» ҳамда «қизиқарли иш»ни қўяди. Бундан кўриниб турибдики, бахтли ва фаровон оила мазмунини энг муҳим томони ҳаёт ва фаолиятнинг зарур шарт-шароитлари, болалар оила иттифоқи барқарорлигининг муҳим мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Оилавий муносабатларни ўрганиш соҳасида эстониялик олимлар Э.Тийд ва В. Уколоваларнинг олиб борган тадқиқотлари диққатга сазовордир. Улар оиладаги эр-хотин ўзаро муносабатлари характерига қараб унинг моделларини ишлаб чиқадилар. Уларнинг фикрича, ҳозирги жамиятда кўпроқ оиланинг 2 та модели: анъанавий (асимметрик) оила модели ва замонавий (симметрик) оила модели учрайди. Анъанавий (асимметрик) оилада эр сўзсиз оиланинг иқтисодий таъминотчиси ва

унинг бошлиги саналади. Оиладаги иттифоқ мавқеини у белгилайди. Оила ҳаётига хос ташкилий ва бошқа муҳим муаммолар ечимини у белгилайди. Шу боис, эр оиладаги бошқа ташвишлардан озод қилинади. Аёл эса анъанавий оилаларда унча кўп даромад келтирмайди ёки нисбатан оз даромад келтиради. Унинг учун энг муҳими фарзанд кўриш (туғиш) ва оила хўжалигини намунали юритиш, болаларни назорат қилиш ва уларнинг камолоти билан шуғулланишдир. Шунга кўра, оила юритиш жавобгарлиги кўп жиҳатдан унга боғлиқ бўлгани учун ундаги микро муҳитни яратиш ва шакллантириш ташвиши, асосан, унинг мажбуриятига киради. Замонавий (симметрик) оилада эр-хотин ўзаро муносабатлари анъанавий оиладагидан фарқли ўлароқ (ёки бу оила эгалитар (французча - тенглик) оила ҳам дейилади) ундаги барча роллар хоҳ иқтисодий, хоҳ у тарбиявий бўлсин ҳаммаси эр-хотиннинг ҳамкорлигида, биргалигида амалга оширилади. Улар оила хужалигини бирга юритадилар, унинг масалалари ва муаммоларини бирга ҳал қиладилар ҳаттоки, то тарбиявий масалаларгача. Шунингдек, Э.Тийд ва В.Уколоваларнинг кўрсатишича, оиланинг мустақамлиги, ундаги муносабатларнинг аниқ мақсадларга қаратилганлиги ва йўналтирилганлиги билан ҳам белгиланади. Улар оилавий муносабатлар мақсадини кўпроқ 3 йўналишда бўлишини фарқлайдилар. Оилавий муносабатлар барқарор бўлади, қачонки:

1. Мақсад - болалар тарбияси билан боғланган бўлса;
2. Мақсад - эр-хотиннинг шахс сифатида янада ривожланиб боришини асосласа;
3. Мақсад - оила учун зарурий нарсаларни, уйни шинам ва орасталигини таъминлашга қаратилган бўлса.

Кўриниб турибдики, оила барқарорлиги оила аъзоларининг ўзаро ҳурматга, севги-муқаббатга, жавобгарлик бурч ҳиссига ва эр-хотиннинг психологик ва жинсий ўзаро мослигига асосланган жуда мураккаб, кўп қиррали ва кўп даражали муносабатлари натижасидан иборатдир. Шу

боис, ҳозирги ёшларга оила бузилишининг муҳим сабабларини тушунтириш билан бирга оила беқарорлигига олиб келувчи жуда мураккаб омиллар таъсирини ҳам далиллаб бориш зарур. Аксарият тадқиқотлар натижаларига кўра, оила бузилишининг энг муҳим сабаблари: эр-хотиннинг бир-бирига нисбатан ишончининг йўқолиши, хиссиётнинг (севги-мухаббатнинг) сусайиши, характер хусусиятларнинг мос келмаслиги, эр-хотиндан бирининг бола кўришга лаёқати йўқлиги ёки жинсий қониқмаслик ҳолатларидан иборатдир. Бундай натижаларни узоқ ва яқин чет эл психологлари олиб борган тадқиқотларда ҳам яққол кўришимиз мумкин. Оилада шахслараро муносабатлар маданиятининг шаклланиши оила аъзоларининг жамиятда ўз ўрнини, қадрини топишга ўз истак ва қобилиятларини рўёбга чиқаришга имконият яратади. Агар унда оилавий муносабатлар тўғрисида тажрибалар етарли даражада шаклланимаган бўлса ёки шаклланимаса унда турли муаммолар ва низолар шаклланади. Оилада тотувлик йўқолади ва унда ноҳуш психологик муҳит ҳосил бўлади. Оила аъзолари жамиятда ҳам ўз ўринларини топа олмайдилар. Энг муҳими шуки, бундай ҳолат фарзандлар камолотига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Юқрида кўрсатиб ўтилган муаммоларни ҳал қилишда ёшларда оилавий ҳаёт тўғрисидаги тасаввурларини реал ҳаёт билан уйғунлигини таъминлаш борасида бугун кенг жамоатчилик эътиборини қуйидаги масалаларга қаратиш лозим:

- Оилавий ҳаётдан қониқиш даражаси сифатида эътироф этилаётган ижтимоий компетентлик ёки муомила маданияти шаклланишида оилавий ўзаро мулоқотнинг ўрнини унитмаган ҳолда турли сериаллардан бош кўтармай, ижтимоий тармоқ (телеграмм) боғланиб қолган ота-оналарга психологлар таъбири билан айтганда, фарзандлари билан 10 дақиқалик мулоқотни йўлга қўйиш орқали бола шахсини ижтимоийлаштирувчи вазифасинини бажариб боришини назардан қочирмаслик керакки, бу ўз навбатида ҳам ижтимоий билимдонликка асос бўлсин, ҳам ижтимоий тажриба узатилишига асос бўлсин. Зеро С.Л.Рубинштейн фикри билан

айтганда: “Инсон ҳаёти асосини, ўзагини ўзга киши , одамларга бўлган муносабат ташкил қилади. Инсон “юраги” унинг бошқа одамларга бўлган муносабатларидан тўқилган; унинг баҳоси, баҳоланиши одам қандай инсоний муносабатларга интилишига қараб, одамларга ва ўзга кишига қандай муносабат ўрната олишига қараб аниқланади. Инсоннинг бошқа одамларга бўлган муносабати асосида инсон ҳаётини таҳлил қилиш психологияни асосий ядросини ташкил этади”.

- Ёшларнинг оилавий ҳаётга, турмушга етуқлигини белгиловчи шахснинг маънавий ва ахлоқий етуқлиги масалаларини белгиловчи мезонларни ишлаб чиқиш борасида амалий тадқиқотлар олиб бориш лозимки,бунга кенг жамоатчилик эътиборини аниқса, олимлар,илмий тадқиқотчиларни тортиш лозим. Чунки бу жиҳат ҳақида аниқ бир мезон ва тавсиф ҳозирча ишлаб чиқилмаган.Шунингдек психологик етуқлик масалаларини ҳам эътиборга олиш лозим.

- Бугунги кунда “фаровон ҳаёт” га эришиш, яхшигина пул топиш илинжида чет элларда миграцияда юрган ёшлар ўзи билан жинсий йўл орқали юқадиган турли касалликларни ҳам олиб келмоқдаки, бу ўз навбатида оилавий ҳаётдан қониқишнинг асосий омили бўлган фарзандли бўлиш имкониятларини ҳам чекламоқда.Шундай экан оилавий ҳаётдан қониқиш фақат моддий тўқинликни таъминлаш билан тўлалигича адо этилмаслигини ҳам унутмаслигимиз лозим. Бу ўз навбатида моддий қадриятлар билан маънавий қадриятлар уйғунлиги масалаларини яна бир бор таҳлил қилишимиз лозимлигини кун тартибига қўймоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

- 1.М.Файзиева,А.Жабборов. Оилавий муносабатлар психологияси. Тошкент «Янги аср авлоди» 2007 йил 144 бет
- 2.Оила психологияси: Дарслик. Педагогика олийгоҳлари талабалари учун // Муаллиф: В.М.Каримова. – Т.:, 2007. – 316 б.

3. Ф.А.Акрамова Ижтимоий психология (ўқув қўлланма)– Т., 2007. – 166 б.
4. Majidov, J. (2020). ПРОФЕССИОНАЛ ФУТБОЛ ЖАМОАЛАРИДА “ТРЕНЕР–СПОРТЧИ” ТИЗИМИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
5. Majidov, J., & Majidova, G. (2020). SHAXS IJTIMOIIY TARAQQIYOTIDA OILA MUHITINING O'RNI. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
6. Majidov, J. (2020). PSYCHOLOGICAL CRITERIA OF THE LEADER PERSONALITY. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
7. Majidov, J. (2020). Социальный интеллект как совокупность способностей, обеспечивающих адаптацию личности в обществе. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
8. Majidov, J. (2021). СПОРТДАГИ МУЛОҚОТ ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИК ҲОДИСА СИФАТИДА. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 1(1)*. извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/723>
9. Majidov, J. (2021). ФУТБОЛ ЖАМОАЛАРИДА ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР КЕЧИШНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 1(1)*. извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/724>
10. Qodirova, M. (2020). Voyaga yetmagan o'smirlar xulq atvorini shakllantirishda olib boriladigan ishlar mazmuni. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
11. Qodirova, M. (2020). Особенности периода взросления подростка. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
12. Qodirova, M. (2020). Bolalar idrokini rivojlantirishda mashg'ulotlarning o'rni. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
13. Qodirova, M. (2020). Psixologiya fanlarini o'qitishda zamonaviy texnologiyalarning o'rni va ahamiyati. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
14. Qodirova, M. (2020). РОЛЬ ЗАНЯТИЙ В ФОРМИРОВАНИИ И РАЗВИТИИ СПОСОБНОСТИ РАЗМЫШЛЕНИЯ У ДЕТЕЙ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.



15.Qodirova, M. (2020). KICHIK MAKTAB YOSHI 0 ‘QUVCHILARINI HAR TOMONLAMA SHAKLLANTIRISHNING PSIXOLOGIK XUSfSIYATLARI. Архив Научных Публикаций JSPI.

16.Qodirova, M. (2020). Shaxsning ichki konfliktlari va mexanizmlari. Архив Научных Публикаций JSPI.